

Ishonch

2020 йил 14 март • шанба • № 36 (4321)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Биз халққа енгил-лик яратишимиз лозим. Ҳар бир қарорни етти марта эмас, етмиш марта ўйлаш зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИНИ ҲАР БИР ИНСОН, ҲАР БИР ОИЛА ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Хоразм вилоятда бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлар, зиёлилар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Халқимиз ҳаётини янада яхшилашга йўналтирилган ислохотларимизни одамлар билан мулоқот ва маслаҳат асосида ишлаб чиқяпмиз. Хоразмга ҳам жойларда аҳолини қандай муаммолар ташвишга солаётгани ҳақида суҳбатлашгани келдим. Шунинг учун менга кўпроқ масала қўйсаларингиз натижа бўлади. Биз ёлғон, бандларнинг гапириб шу аҳволга келдик. Президентга ёлғон гапириш – Ванга хиёнат, – деди Шавкат Мирзиёев.

Вилоятнинг ривожланиш даражаси орқада қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот республика кўрсаткичидан 1,5 баробар, саноат маҳсулоти ва хизмат кўрсатиш ҳамми бўйича эса 2 баробар паст. Худудда 58 минг оила камбағаллик бўсағасида кун кечирмоқда. Шундан 856 таси ўта ночор аҳволда. Кўплаб одамлар ишлаш учун хорижга кетган. Буларнинг барчасидан келиб чиқиб, Хоразмда 200 минг иш ўрни яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбари аҳолини тадбиркорликка жалб этган ҳолда, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш, шу орқали камбағалликни кескин қисқартириш асосий мақсад эканини таъкидлади.

Туман ва шаҳарларда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, банкларни «лоийҳалар фабрикаси»га айлантириш зарурлиги қайд этилди. 2,5 мингта бўш турган бинолар негизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекларини ташкил этиш, «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасини янги лойиҳалар билан тўлдириб бўйича кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ туманларда пуллик хизмат кўрсатиш Урганч шаҳрига нисбатан 10-15 баробар пастлиги таъкидланиб, бундай объекларни кескин кўпайтириш кераклиги белгиланди.

Йиғилишда Президентимиз Хоразм вилоятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди. Яқин уч йилда умумий қиймати 24 триллион сўмлик 2 минг 736 та инвестиция лойиҳаси



амалга оширилиб, 50 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Ҳозораспдаги автомобиль заводида «Дамас» ва «Лабо» микроэвнлари ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш даражасини 65 фоизга етказиш (ҳозир 27 ва 14 фоиз) бўйича янги лойиҳалар амалга оширилади.

Вилоятда келгуси йилда пахтани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга, ип-калавани уч йилда бугунги 35 фоиздан 70 фоизга етказиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Малайзиялик инвесторларнинг 250 миллион доллар сармоясига ҳисобидан йилига 63 минг тонна каустик сода ва хлор ишлаб чиқарадиган кимё заводи курилади.

Сувдан унумли фойдаланиш, мевасабзавотчилик кластерлари ташкил этиш, қовунчиликда «Хоразм нави» брендини яратиб, қовун етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

Сайёҳлик салоҳиятини кенгайтириш мақсадида Шовот каналининг икки ёнида кичик туризм зонасини, Хивада «Хоразм хонлари шаҳарчасини» ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари миллий санъатимизни тараннум этиш, хорижликларни юртимизга жалб қилиш мақсадида Хоразмда лағзи бўйича халқаро фестивал ўтказишни таклиф этди. Бу ташаб-

бусни хоразмликлар мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига илгари келганида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи ташкил этиш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ лойиҳа таклифи тайёрланиб, бу галги ташриф чоғида намойиш қилинди.

Президентимиз ҳайкалнинг хомаки нусхасини синчиклаб кўрди. Мазкур ёдгорлик маҳобатли бўлиши, узоқдан ҳам яққол кўзга ташланиб туриши зарурлигини таъкидлади.

Боғ учун мўлжалланаётган майдон мутасаддилар билан муҳокама қилинди.

Жалолиддин Мангуберди – буюк саркарда бобомиз, миллатимизнинг фахру ғурури. Унга бағишланган майдон шунга яраша катта, мазмунли бўлиши керак. Боғ бўйлаб Мангубердининг озодлик учун кураши, жанглари ҳақида лавҳлар ўрнатилиши зарур. Бу ерга келган одам фақат ҳайкални кўрмай, ўзига билим, куч-қудрат олсин, сайёҳлар тарихимизни ўргансин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳани қайтадан пухта ишлаб чиқиш, транспорт ҳаракати учун қўлайликларни инобатга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига сафари яқунланди.

Ў.А.



Кун Нафаси

Президент «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекиди.



2020 йил 13 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.



Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг генерал-лейтенанти Пўлат Бобожонов юртимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Тергов қўмитаси раиси, адлия генерали Александр Бастрикин билан учрашди.




Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комилов Россия Федерацияси Тергов қўмитаси раиси Александр Бастрикин бошчилигидаги делегация билан учрашди.

«Ўзотом» агентлигида Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Сантош Жа билан учрашув бўлиб ўтди.

Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лиан Куппенс билан учрашув бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Энди мактабгача таълим мажбурий(ми?)

Шу йилнинг 9 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хўш, эндиликда мактаб ёшига етмаган болалар мажбурий равишда мактабгача таълим муассасаларига жалб этиладими? Мажбурий таълим бепул бўладими ёки пуллик? Маълумки, «боғча»ларда болалар учун тайёрлов гуруҳлари қарор қабул қилинганга қадар ҳам фаолият кўрсатиб келаётган эди. Унда болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олишдан қандай мақсад кўзланган? «Тараққиёт стратегияси» марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу каби саволларга Адлия вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги вакиллари жавоб беришди.

ДАСТУРГА КўМАҚДОШ Бўлади

Санжар Обидов, Мактабгача таълим вазирлиги бош бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Бу болаларнинг қизиқишларини аниқлаш ва йўналтириш, мактаб дастурини ўзлаштиришга тайёрлашга хизмат қилади. Ҳозирги пайтда мактабгача таълим муассасасига борган ва бормаган бола ўртасидаги тафовут биринчи синфда яққол сезилиб қолмоқда. Битта синфда ўртача 30 нафар ўқувчи ўқишини ҳисобга олсак, ўқитувчи дарс вақтида ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчи билан алоҳида шуғулланиши қийин. Шу боисдан, қарорга биноан, мамлакатимизда болаларни мактабгача мажбурий, бепул, 1 йиллик тайёрлаш тизими жорий этилади. Тайёрлов гуруҳлари учун таълим жорий ўқув йилида 2020 йил 10 мартдан бошланади ва 20 августда тугайди. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб эса, ҳар йили 2 сентябрдан бошланиб, кейинги йилнинг 25 майида тугайди. Ушбу муассасалардан тайёрларилган ўқувчиларга давлат намунасидаги сертификат берилади.

БОЛАЛАР ҚАЕРДА ЎҚИТИЛАДИ?

Сир эмаски, ҳозирда аксар ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари етишмайди. Фарзандини «боғча»га жойлаштириш учун ота-оналар узундан-узун навбатларда туришади. Шундай шароитда тайёрлов гуруҳлари учун алоҳида жой ажратиладими?

Бу каби саволларга тадбирда вазирлик вакили шундай жавоб берди:

– Қарорга биноан тайёрлов гуруҳлари боғчаларда, етарли шароит бўлмаганда эса, бошқа мос биноларда, масалан, маҳалла йиғинлари, яқин ҳудуддаги муассасаларда ташкил қилинади. Гуруҳда болалар сони 30 нафардан ошмаслиги, шунингдек, машғулотлар 3-4 соат давом этгани боис, гуруҳлар икки сменада фаолият кўрсатишини таъминлаш режалаштирилган.

СЕРТИФИКАТСИЗ МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ(МИ?)

Мазкур қарор билан 2020-2025 йилларда болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланган. Санжар Обидовнинг маълум қилишича, 2027-2028 йилга келиб, бу тизим тўлиқ ишга туширилади ҳамда тайёрловдан ўтганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификати бўлмаган бола мактабга қабул қилинмайди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»

Муносабат

Ўзлуксиз ҳаётини эҳтиёж

Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасида «Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш ўзлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак», деган даъвати бугун фаолиятимизнинг асосий дастурига айланди.



Ёш авлоднинг юксак билимларни эгаллаши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, давлатимиз ташаббуси билан педагог ходимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётди. Биргина Самарқанд вилоятидаги 2152 та таълим-тарбия муассасасида меҳнат қилаётган 167061 нафар устоз-мурабий меҳнати, ёш авлод тарбияси йўлидаги захматлари кадр топмоқда.

Бу жараёнда касаба уюшмалари ҳам муносиб улуши қўшмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари таълим тизими бошқаруви билан ҳамкорликда «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Энг яхши тарбиячи» кўрик-танловлари, билимлар беллашуви, фан олимпиадаларини ўтказиб келмоқда. Утган яқин фурсатда 493 нафар кам таъминланган оила фарзандларига ўқув жиҳозлари, дарсликлар харид қилинишига

кўмаклашиш учун 71,2 миллиард маблағ ажратилди. 200 нафар фарзанд тарбияси билан машғул оналарга моддий кўмак кўрсатилди.

Ходимларнинг иш ва оилавий шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида 20,2 миллион сўм миқдориди маблағ йўналтирилди. 42 нафар ўқитувчининг олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов контракт пуллари касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Янги очилган таълим-тарбияга дахлдор ташкилот ходимлари манфаати ҳам ҳимоя қилиб келинмоқда. Утган даврда 209 та ташкилотда ишловчи 1934 нафар ходим касаба уюшмалари аъзоларига қабул қилиниб, уларнинг муносиб меҳнат шароитида ишлаши таъминланди.

Энди эскича руҳда ишлаб бўлмайди. Шу сабабли илм ва маърифат, рақамли иқтисодиёт ривожига ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Ифтихор РАҲИМОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

«ТАРИХИЙ ШАХСЛАР»НИНГ МАХСУС СЕНИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНДИ

Tarixi Xaxsiyotlar

Пойтахтимизда Озарбайжон халқаро миқёсда нашр этиладиган «Tarixi Xaxsiyotlar» («Тарихий шахслар») журнали томонидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Йил одами» деб эътироф этилиши муносабати билан ушбу нашрнинг мамлакатимизга бағишлаб чоп этилган махсус сони тақдими бўлиб ўтди.

Келгуси сонларда ўқинг! >>>

Ўзбекистон қачон стартаплар мамлакатига айланади?

Озорнинг бадали бор...



Учрашув



Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

Ёшлар билан самимий мулоқот

Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди. Унда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ҳамда корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ёш ходимлар иштирок этди.

Учрашувда Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси, 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб номланиши, «Ёшларнинг касба уюшмаларига аъзолик афзалликлари», «Ёшлар маънавиятини юксалтиришда касба уюшмаларининг роли», «Касба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонуннинг мазмун-моҳияти каби мавзуларда сўз юритилди.



маси кенгаши раиси Назира Тоғаева. Эркин ва очиқ фикрлар, қизгин баҳслар, таклиф ва мулоҳазаларга бой учрашув мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил олиб берилаётгани, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз қобилияти ва салоҳиятини намоён этиши учун барча имкониятларни яратиб беришди, — деди Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлаш-

«Gissarnftegaz» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида ўтган йил якунлари ва жорий йилги устувор вазифаларга бағишлаб йиғилиш ўтказилди.

Рағбатда гап кўп

Унда сўзга чиққан корхона касба уюшма кўмитаси раиси Жўра Амиров ишлаб чиқаришдаги ўсишлар, меҳнат зафарлари, ўз навабатида, ходимларнинг кучли ижтимоий-иқтисодий ҳимояси жамоа шартномаси нуфузини янада оширганани эътироф этди.

Таъкидланганидек, қўшма корхонанинг 782 нафар ходими даврий тиббий кўрикдан ўтди. Ходимлар соғлигини тиклаш ва даволаш мақсадида Қарши шаҳридаги Республика кардиология маркази филиали ва Қашқадарё саломатлигини тиклаш шифохонаси билан ўзаро шартномалар тузилиб, уларда 54 нафар ходим даволанди. Ўтган йилда республикамиздаги ўндан зиёд сўхатгоҳда корхонанинг 61 нафар ходими соғломлаштирилди. Жамоа шартномасига асосан 7 нафар ходимнинг олий ўқув юртида ўқийдиган фарзанди учун моддий ёрдам ажратилди.

рақбаб жарроҳлик операцияси учун иш бевуричи маблағ ажратди. Юбилей ёшига етган 11 нафар ходимга хурмат-эҳтиром кўрсатилди. Ёз мавсумида Китоб туманидаги «Нурафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 61 нафар бола дам олдирилди. Байрамлар арафасида цехлараро футбол, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ўтказилди.


шартномасига кўра, корхона маблағидан қолланди. Яна бир муҳим янгилик. Қўшма корхонада барча турдаги энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида ўтган йили 2 миллиард сўм иқтисод қилинган.

— Бунинг учун кўп электр энергияси билан ишлайдиган ускуналар, технологиялар алмаштирилди, — дейди менежмент тизими мутахассиси Рустам Беков. — Бу каби ўзгаришлар нафақат иқтисодий фойда келтирди, балки корхонамизга тўртта йўналиш бўйича Халқаро менежмент тизимининг сертификати ҳам берилишига сабаб бўлди.

Йиғилишда «Gissarnftegaz» МЧЖ қўшма корхонаси директори Наврўз Бердиев ҳар бир ходимда фидойилик, ташаббускорлик, изланувчанлик туйғуларни бўлишини, замон билан ҳамнафас одимлаш, ишлаш лозимлигини таъкидлади.

Сарҳисоб йиғилиши сўнггида нефть ва газ қазиб чиқариш кўрсаткичларини бажаришда самарали меҳнат қилган ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган ходимлар фахрий эрлик, пул мукофотлари, санаторий йўллари билан ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акmal Абдиев, «ISHONCH»



Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Барчаси кўнгилдагидек

Миробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактабида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда таълим муассасаси касба уюшма раисининг 2015–2019 йиллар юзасидан ҳисоботи тингланди. Қайд этилганидек, ўтган вақт мобайнида барча ходимларга меҳнат таътили, иш ҳақлари ўз вақтида берилди. Бундан ташқари, ҳар чоракда ходимлар рағбатлантирилиб, ижтимоий кўмакка муҳтож ишчиларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимлар, уларнинг ота-оналари учун санаторий ва сўхатгоҳларга, болалари учун эса оромгоҳларга йўланмалар ажратилди.

Йиғилишда касба уюшма кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди, Нигора Мўминова кўмита раислигига қайта сайланди.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»

Ёш номзодга овоз берилди

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши тизимидagi «Фарғона агрокимёхима» ҳудудий акциядорлик жамиятида касба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Кун тартибидан ўрин олган масалалар бўйича «Фарғона агрокимёхима» ҚАЖ касба уюшма кўмитаси раиси Раънохон Шокированинг 2017–2019 йиллар давомидаги иш фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда номзодлар орасидан кўпчилик овоз билан ёш ташаббускор йигит Муҳаммадали Болтабоев «Фарғона агрокимёхима» ҚАЖ касба уюшма кўмитаси раислигига муно-

сиб деб топилди. Ҳисобот-сайлов конференциясида иштирок этган ҳар бир иштирокчи ўз ташаббусларини ўртага ташлаб, фикр-мулоҳазаларини эркин баён этди. Билдирилган таклифларни келгусидаги иш жараёнида қўллашга келиши олинди.

Назиржон АМИНЖОНОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси



Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Орол денгизи ҳавасидаги экологик ҳолатни барқарорлаштириш мақсадида ўтган бир йилда юз минглаб гектар сувдан бўшаган ерларда саксувул уруғини экиш ишлари амалга оширилди. Денгиз тубида 700 минг гектарлик ўрмон барпо этиш ишлари тораба жадаллашиб, чўлга чидамли ўсимликларни танлаб олиш ва шўрланган ерларга экиш юмушлари шу кеча-кундузда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Эзгулик

Мўйноқда бир кун

Муҳим жиҳати, Орол денгизининг сувдан бўшаган майдонларида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган юртдошларимиз ҳашир йўли билан саксувул экиш ишларида иштирок этмоқда. Денгиз ўрнида «Яшил белбоғ» яратиш йўлида меҳнат қилаётган ватандошларимиз хузурига Қорақалпоғистон касба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши ходимлари ва фаол ёшлар ташриф бурюди. Хайрли ишда елкама-елка меҳнат қилаётган юртдошларимиз сафида туриб кўчат экиш ишларида қатнашган фаоллар бир гуруҳ ҳашарчиларга бирлашманинг Фахрий ерликлари ва эсдалик совғаларини тақдим этдилар.

Тадбир давомида Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Мўйноқ туманида 5 та эҳтиёжманд оиллага янги уй-жойларнинг қалити топширилди.

Шу кунги фаоллар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан бунёд этилган «Оқ кема» болалар соғломлаштириш маркази бўлиб, иншоотлар ҳамда ушбу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Оромгоҳ атрофида мевали ва манзарали дархат кўчатларини экиш ишларида қатнашди.

Нурлан АЛИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Андижон вилояти

«Ақл ёшда эмас, бошда», деган нақлни хўб топиб айтишган-да! Чиндан ҳам ўз иқтидор-у заковати билан тараққиётга хисса қўшаётган навақирон йигит-қизларимиз кам дейсизми?! Шунинг қарабараида, жамоатчилик назаридан четда қолмаётган шундай қобилиятли ёшлар ҳам борки, улардаги имкониятлар юзага чиқиши учун андан рағбат, эътибор-у қўллов кифоя.

Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида касба уюшмалари фаоллари томонидан йил бошида режа тузилган бўлиб, унга кўра, тизимнинг Андижон вилояти бирлашмаси кенгаши раиси Шокиржон Болтабоев ҳам бир гуруҳ ёшлар билан учрашиши керак эди. Айни шу тадбир олдидан ўтказилган маслаҳат йиғинида раис фаоллар олдига битта вазифа қўйди: «Мулоқотда ҳар тадбирда доимий иштирок этадиган ёшларни эмас, янги қиёфаларни таклиф этинглар. Токи, эрта бир кун буй кўрсатадиган ноёб истеъдодларни «касба уюшмаси кашф этган», дея ғурурланиб юрайлик».

ЯХШИ НИЯТ ЮЗАГА ЧИҚДИ

Айтиш жоиз, бирлашма кенгаши раисининг ёшлар билан учрашуви доирасида ташкил этилган кўргазма ва мусобақаларда Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббуснинг барча йўналишлари қамраб олинди. Жамоат ташкилотининг ҳамкорлик борадидаги таклифига қатор ташкилотлар бажонидил қўшилишди.

Масалан, китоб савдоси билан шуғулланган бир қатор тадбиркорлик субъектлари кўчма савдо ярмаркаси ташкил этган бўлса, Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази тадбир қатнашчиларининг ёшига муносиб, қизиқарли, нодир китоблар жамланмасини кўргазмага қўйди. Кўргазма билан танишув асоси шаҳардаги саноат корхонасида ишловчи ёш ходимлардан бирининг ҳамкасбига айтган гаплари қулоқча чалинди: «Шу китобни бир йилдан бери излайман, мана — кутубхонада бор экан. Кутубхонага аъзо бўлиш аввалроқ нега ҳалимга келмаган экан, ҳайронман».


Шу тариқа ярим кун давом этган кўргазма чоғи тадбир қатнашчиларининг қирқ нафари вилоят кутубхонасининг аъзоси бўлди. Бир қатор таклифлардан сўнг яқин кунларда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси таркибиде мазкур кутубхонанинг филиалини ташкил этишга келишиб олинди.

Хуллас, тадбир доирасида мусаввирликка рағбати бор бир гуруҳ йигит-қизлар портрет ишлашди, кимлардир теннис-у шахмат баҳсида кўплаб тенкурларидан устун эканини намоён этди, компьютер тилини яхши тушунадиган ёшлар эса ўзларининг дастурий ижодлари билан атрофдагиларни ҳайратга солишди. Меҳмонлар орасида юрган «Хунарманд» уюшмасининг вилоят бошқармаси бошлиғи Шаҳло Солиева эса ҳар бир хунарманднинг ишлари билан шовилмай танишар экан, қувончини касба уюшма фаоллари билан бўлишди: «Келажақда ўз махсудотлари билан халқаро кўргазмаларда қатнашиши мумкин бўлган қизларни кўрдим».

— Тўқувчиликни тўққиз ёшимда ўрганишни бошлаганман, — дейди Андижон шаҳрида яшовчи Муслима Мирзаева. — Жон-жон деб хунарминчи давом эттирдим, ҳатто тайёрлаган тақинчоқларимга доимий харидорлар бор эди. Аммо ишни давом эттиришимга маблағ етишмаяпти, контрактдан орттирмаяман», деб бор гапни очқч айтди. Шунда «Университетга боргач, менга учрагин», дедилар. Билсам, устоз бошланғич касба уюшма кўмитасининг раиси Мирзабахром Ботиров экан.

Эртасига кўмита раиси керакли хомашё сотиб олишим учун моддий ёрдам ажратиб берди. «Шароит яратас, шу хунарни бошқаларга ҳам ўргата оласанми?», деб таклиф қилгани, бажониди рози бўлдим. Мана, икки ойдирки, университетдаги тўртта ётоқхонада узоқдан келиб ўқийдиган 100 нафар талаба қизга хунар ўргатылган. Тенгдошларим билан тайёрлаган бир нечта зебигардон ҳамда бошқа тақинчоқларга харидорлар чиқяпти. Семилли хунарим билан шуғулланишга яхшигина шароит ва имконият яратиб берган касба уюшма кўмитасидан жуда миннатдорман.

Касба уюшмаси кашф этаётган иқтидорлар



Хурсабек Арибоев олдиги сурат

кўтариб юришга мўлжалланган саватчага ишқибоз бўлиб, хорижда бунинг харидорлари кўп эканлигини айтдилар. Бугунги тадбир ҳамкорлигимизга туртки бўлганидан мамнунман.

КУЛ ОСТИДА... ЧЎҒИ

— Кузда ўқитувчиларимиз билан бирга беш муҳим ташаббус бўйича Хонобод шаҳрида ташкил этилган тадбирга бордик, — дея ҳўжа қилади Андижон давлат университети педагогика факультети 3-курс талабаси Дилёра Турсунова. — Кўргазмага хунармандлик махсудотлари ҳам қўйилган эди. Устозларимиздан бири хилма-хил миллий тақинчоқларни кўриб, ҳайратга тушди, хунармандни мақтай бошлади. Шунда секин у кишининг ёнига келиб, «Доғла, мақтанишга йўймангу, мен бундан ҳам чиройлироқ тақинчоқлар ясай оламан», дедим. Чиндан-да дастлабки йили ўқишга кира олмагач, мунчоқлардан тақинчоқлар ясашни ўрганган, ҳатто уч-тўрт ой Кўргонтепа туманидаги «Баркамол авлод» марказида ўқувчиларга тўғарак очгандим.

Хуллас, доғла қайси факультетда ўқишим, нега бу хунар билан шуғулланмай қўйганлигим билан қизиқди. «Жон-жон деб хунаримчи давом эттирдим, ҳатто тайёрлаган тақинчоқларимга доимий харидорлар бор эди. Аммо ишни давом эттиришимга маблағ етишмаяпти, контрактдан орттирмаяман», деб бор гапни очқч айтди. Шунда «Университетга боргач, менга учрагин», дедилар. Билсам, устоз бошланғич касба уюшма кўмитасининг раиси Мирзабахром Ботиров экан.

Эртасига кўмита раиси керакли хомашё сотиб олишим учун моддий ёрдам ажратиб берди. «Шароит яратас, шу хунарни бошқаларга ҳам ўргата оласанми?», деб таклиф қилгани, бажониди рози бўлдим. Мана, икки ойдирки, университетдаги тўртта ётоқхонада узоқдан келиб ўқийдиган 100 нафар талаба қизга хунар ўргатылган. Тенгдошларим билан тайёрлаган бир нечта зебигардон ҳамда бошқа тақинчоқларга харидорлар чиқяпти. Семилли хунарим билан шуғулланишга яхшигина шароит ва имконият яратиб берган касба уюшма кўмитасидан жуда миннатдорман.

— Талаба қизларимиз турмушга чиққач, юмуши ҳам кўпаяди, — дейди университет бошланғич касба уюшма кўмитасининг раиси Мирзабахром Ботиров. — Хунарли инсонга ҳар қандай оилада шароит бор. Дилёрани рағбатлантириш баробарида бу юмушга бошқа қизларни ҳам жалб этишдан асл мақсодимиз шу эди — талабаларимиз ҳам дипломли, ҳам хунарли бўлишим...

ФАОЛЛИККА ДОИМ РАҒБАТ БОР

Қизғин мулоқотда касба уюшма фаолларига иштирокчилар қатор совоқлар билан мувожаат этишди. Дуч келинаётган бир қатор рағбатдор ҳам кун тартибига қўйилди. Ижтимоий-иқтисодий, ҳўқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси масалаларидаги сўровларга атрофлича тушунчалар берилди. Айрим ёшларнинг иш фаолиятида юзага келган бир қатор муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Пировардида, кимгадир гул, кимгадир пул дегандек — ҳуллас, бир гуруҳ иқтидорли ёшлар совға-саломлар билан сийланди. Масалан, беш нафар талаба касба уюшмаларининг бир марталик стипендияси билан, яна беш нафар иштирокчи эса санаторийларга бепул йўлланмалар билан тақдирланди. Андижон шаҳридаги академик лицей жамоаси компьютер жамланмасига, Асак туманидаги 48-мактаб жамоаси тикув машинасига, Марҳамат туманидаги 26-болалар мусика ва санъат мактаби чоғлу асбоблари ҳамда Кўргонтепа туманидаги 3-мактаб спорт анжомлари тўпламига эга чиқилди. Яна бир гуруҳ йигит-қизларга ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари ҳада этилди.

— Касба уюшмаларининг стипендияси билан тақдирланганимдан жудаям руҳлиб кетдим, — дейди Андижон давлат университети талабаси Мирсаид Иброҳимов. — Очиғи, бу мен учун қутилмаган совға бўлди.

Нурилло НЎҒМОМОВ, «Ishonch»

Қониқарли фаолият

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотлари бирлашган касба уюшма кўмитасининг бошланғич касба уюшма ташкилоти — Наманган қурилиш бош бошқармаси касба уюшма кўмитасининг II-ўмумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Наманган вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раис ўринбосари Илҳомжон Султонов, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юристконсулти Мавлонбек Зарипов, қурилиш бош бошқармаси раҳбари Сайдидахмад Султонов ҳамда ташкилот ишчи-ҳодимлари ҳамда умумий йиғилишга сайланган 30 нафар делегат иштирок этди.

Йиғилишда Наманган қурилиш бош бошқармаси касба уюшма кўмитасининг 2015 йил мартдан 2020 йил мартгача бўлган давр мо-

байнидаги фаолияти бир овоздан қониқарли деб топилди. Делегатлар томонидан Незматжон Жўрабоев бир овоздан касба уюшма кўмитаси раиси, Насимжон Ибрагимов касба уюшма кўмитасининг тафтиш комиссиясининг раиси этиб қайта сайланди.

Феруза ЭРМАТОВА, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси

Янги марралар сари

«Талимаржон ИЭС» акциядорлик жамияти касба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда кўмитанинг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди, Анвар Аширов кўпчилик овоз билан кўмита раислигига қайта сайланди.

Корхона бош директори Абдусами Нормўминов жамоада 2019 йилда қўлга киритилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталиб, 2020 йилда амалга оширилиши лозим бўлган режалар, Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилган устувор вазифалар ижросига эътибор қаратди.

Конференция ишида қатнашган Энергетика ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Саидмурод Тўхтаев кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишловлар аҳамияти, касба уюшмалари олдида

турган долзарб вазифалар ҳамда «Касба уюшмалари тўғрисидаги» қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан тегишли тушунчалар берди. Анжуманда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 8-конференцияси ҳамда Энергетика ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Қурултойига делегатлар сайланди.

«Талимаржон ИЭС» акциядорлик жамияти 2017–2019 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2019 йил якуни бўйича ҳамда 2020–2022 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномасини қабул қилиши тўғрисида меҳнат жамоасининг конференцияси ҳам ўтказилди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ, «Талимаржон ИЭС» АК матбуот котиби



Наманган вилояти

«Наманган сўт» қўшма корхонасининг «творог» цехи ишчиси Аҳмаджон Каримов 1999 йилда пишлоқ тайёрлов дастгоҳини ювиб, ишлаб чиқаришга шай ҳолатга келтираётган вақтда, тўсатдан идишдаги каустик сода сув билан кучли реакцияга киришиб, қайноқ кўпик ишчининг юз қисми ва устига сачраб кетиши оқибатида чап кўзи, юзи, елка ва оёқ терисига шикаст етади. Ҳозирда унинг бир кўзи мўтлақо кўрмай қолган.

Қоғозда қолган товон пули

Наманган шаҳар тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг текширувиге кўра, бу ҳолат «куйишнинг оғир даражаси» дея қайд этилиб, меҳнатда майибланганлик ташхиси қўйилади ва унга корхона томонидан умрбод товон пули тўлиниши кераклиги тўғрисида яқини хулоса берилади.

А.Каримовнинг Наманган вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари билан бирлашмасига ёзган аризасига кўра, ишчи корхона томонидан тўлиниши керак бўлган товон пулини охириги март 2015 йилда олган. У корхона раҳбарига бу ҳақда ариза билан мурожаат қилганида, ойна бор-йўғи 87 минг сўмдан товон пули берилиши маълум қилинган.

Бундан ўн йил олдинги иш ҳақи, маош ва нафақаларни ҳозирги кунга солиштирадиган бўлса... Уртада катта тафовут бор-а?.. Кўринадики, корхонанинг молия бўлимидаги ходимлар иш ҳақи, нафақа, пенсияларнинг йилма-йил ошиб бориши бўйича фоизларни қўшиб ҳисоб-китоб қилишни яхши билишмайди ёки иш вақтида бахтсиз ҳодисага учраган ишчининг кейинги тақдири уларни мўтлақо қизиқтирмайди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Вазирлар Маҳкамасининг 60-сонли қарорига қўшимча 1-иловада белги-ланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори оширилганда, соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар пенсияни ҳисоблаш базавий миқдори-нинг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилиши таъкидлаб ўтилган.

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси аралашуви билан А.Каримовга тўланган товон пуллари қайта ҳисоблаб чиқилиб, 2015 йилдан ҳозирги кунга қадар тўланмаган жами 9 миллион 179 минг 557 сўм товон пули ундириб берилди. Шунингдек, ойма-ой тўланадиган нафақа пули миқдори 218 минг 294 сўм қилиб белгиланди.



Орзуғул РУСТАМОВА, «Ishonch»

Дехқонлар энди «хизмат доирасида»

«Ishonch» газетасининг 2020 йил 21 январь 6 сонидаги «Касбилик дехқонлар «хизмат доираси»дан ташқарида(ми?)» сарлавҳали мақола юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги қўйидагича муносабат билдирди:

Ўрганишда Касби туманидаги «Индорама Агро» хорижий корхонасининг 2020 йил 15 январдаги «Индорама Агро» хорижий корхонаси меҳнат жамоаси ташаббускор гуруҳининг касабаси уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан таъсис кон-ференцияси баёни билан бошлангич касабаси уюшма таш-



килотини тузилгани ва Истеъмол товар-лари ишлаб чиқариш касабаси уюшма таш-килотлари ходимлари касабаси уюшмасига киритилгани маълум бўлди.

Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари О.БОЙМИРОВ

Мақола билан боғлиқ масала юзасидан Қашқадарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ф.Ҳайдаров имзоси билан ҳам худди шу мазмундаги жавоб хати олинди.

Камчиликлар бартараф этилди

Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармаси «Ishonch» газетасининг 2020 йил 13 февралдаги сонидан чоп этилган «Канални ким тозалайди?» сарлавҳали мақола юзасидан қўйидагича жавоб йўллади:




«Ободонлашти-риш бошқармаси» ва «Шовот маданият ва истироҳат боғи» ДУК корхонаси би-

ларни ободонлашти-риш, кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишлари олиб бори-либ, мақолада келти-рилган камчиликлар бартараф қилинган-ини, шаҳар кўча-лари ва мажмуаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлашти-риш ва чиқиндилар-дан тозалаш ишлари мунтазам равишда олиб борилаётганини маълум қиламиз.

Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Х.ХУДАЙБЕРГАНОВ



Сирдарё вилояти



Сирдарё тумани «Дехқонobod» маҳалласи ҳудудидан биронта болалар боғчаси йўқ. Ваҳоланки, туман аҳолиси сони йил сайин ошиб, ҳозирда дастлабки таълим ёшидаги болалар сони 333 нафарга етган. Айримлар болаларини қўшни маҳаллалар ҳудудидаги боғчаларга жойлаштиришга мажбур бўлишмоқда.

Лекин жойлаштириш ҳам шунчаки навбатга туриш билан битмайди. Қонун-қоидага риоя қилган оила ҳам ор-тиқча сарф-харажат қилишга мажбур бўлади. Қўшни туман, шаҳарга ҳар кун қатнаб, бола таълимига эътибор берман ёки ишлайман деган оилалар мана шундай сарф-хара-жатга тайёр туриши керак. Лекин қачон-гача?

Асли касби ўқитувчи бўлган Моҳидил Бобоева маҳалла ҳудудидан хусусий боғчага асос солиш мақсадида 2018 йили «Нурли болалик» МЧЖ

Мавҳум жавоб қаршисида

ёхуд икки йилда ҳам битмаган боғча масаласи қачон ҳал бўлади?

ташкил этди. Маҳалладан ер ажратилиб, лойиҳа асо-сида қурилиш ишларини бошлайман, деб турганида, унга боғчани замонавий, ҳар томонлама ҳисоб-ки-тобли, давлат хусусий шерикчилик асосида қуриш таклифи берилди. Шундан сўнг лойиҳа қайта кўриб чиқилиб, 250 ўринли болалар боғчаси қуриладиган бўлди.

Тадбиркор М.Бобоева масалани ама-лий ёрдам сўраб, 2019 йилнинг сентябрь, декабрь ойларида Республика прокуратураси, Мактабгача таълим вазир-лиги мутахассисларига қил-ган мурожаатларига ҳам бир хил мазмунда

жавоб ол-моқда: «Сиз бил-дан давлат хусусий ше-риклик лойиҳа-ларини молия-лаштириш учун ресурсларни шакллантирил-гандан сўнг битимни имзолаш ма-саласи ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ эканини маълум қиламиз».



Ихчамгина хусусий боғча очиб ниятда бўлган тадбиркор ишлар бунчалик «со-виб» кетишини билмаган эди. Унинг бор-гайрати ва маблағи эвазига битган иш – боғча пойдевори бўлди, холос. – Бино деворини тиклашим ҳам мумкин эди, – дейди М.Бобоева. – Фақат битим имзоланиши мавҳумлигидан, ишлар аросатда қолиб кетишидан ха-вотирданман.



Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch»

«BEST AUTO AUKSION» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил 28 январдаги 1-сонли йиғилиш қарори ҳамда «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖнинг 2020 йил 12 мартдаги МБ-11/86-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Супер кўргони, Ерте-шар кўчаси, 1-уйда сақланаёт-ган қўйидаги мулклар қўйил-моқда:

1) 2009 йилда и/ч, д/б 30 740 DAA бўлган «LACETTI» ру-сумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 46 544 000 сўм;
2) 2010 йилда и/ч, д/б 30 484 EAA бўлган «DAMAC» ру-сумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 25 440 000 сўм;
3) 2010 йилда и/ч, д/б 30 488 EAA бўлган «DAMAC VAN» русумли автотранспорт воси-

таси. Бошлангич баҳоси – 25 050 000 сўм;
4) 2014 йилда и/ч, д/б 30 776 QAA бўлган «КОБАЛЪ» русумли автотранспорт воситаси. Бош-лангич баҳоси – 60 773 000 сўм.
Аукцион савдоси 2020 йил 15 апрель кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.
Аризалар расмий иш кун-лари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).
Аризаларни қабул қи-лишнинг охириги мuddати: 2020 йил 14 апрель кунини соат 18:00.
Ушбу мулк 2020 йил 15 апрель кунини сотилмаган тақ-дирда, такрорий савдолар 2020 йил 30 апрель ва 15 май кун-лари соат 11:00 да ўтказилади.
Такрорий аукцион савдо-сида иштирок этиш учун талаб-горлардан буюртмаларни қа-бул қилиш белгиланган савдо-

дан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади. Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси ту-зиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳоси-нинг 20 фоизидан кам бўл-маган миқдорда, зақалат пу-лини «BEST AUTO AUKSION» МЧЖнинг Самарқанд мин-тақавий филиали ҳисобрака-мига (банк: «Ипотека банк» АТИБнинг Кўксарой филиали, х/р: 20208000700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257) тўлашлари шарт.
Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинади-ган манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, 210-хона. **Тел:** (+99890) 212-60-01, (+99897) 925-77-90. **Элек-трон почта манзили:** best.samarqand@inbox.uz
Гувоҳнома №547246

«BEST AUTO AUKSION» МЧЖ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
«Best auto aukcion» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 29.02.2020 йилдаги №30 (4315) сонидан берилган эълондаги «Мир Саид Барака кўчаси, 4-уйда сақланаётган» деган жумла «Мир Саид Барака кўчаси, 47-уйда сақланаётган» деб ўқилсин.

«Farg'ona mulk savdo» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги «Олтиариқ санаторийси»га тегишли «Нексия» русумли, 1998 йилда и/ч, давлат рақами 40 221 ВАА бўлган но-сон автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 7 421 000 сўм.
Аукцион савдоси 2020 йил 20 апрель кунини соат 11:00да бўлиб ўтади.
Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб,

иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (13:00дан 14:00гача тушлик) қабул қилинади.
Талабномалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2020 йил 17 апрель, соат 18:00.
Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси дастлабки кунги савдога сотилмаган тақдирда, такрор-ий савдолар 2020 йил 15 май кунини соат 11:00да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади. Аукцион савдосига чиқарилган мулк билан расмий иш кунлари соат 18:00гача қадар «Мулк этаси» вакиллари иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин (13:00дан 14:00гача тушлик).
Савдо голиб деб топилган шахсга 10 кун ичида со-тувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти

юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотида шартномаси тузилганда бел-гиланади. Савдода иштирок этиш учун ариза (буюртма-нома), зақалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати ну-схаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилади-ган зақалат келишувга асосан мулк бошлангич баҳо-сининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги за-

қалат пулини «Farg'onamulksavdo» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: «Трастбанк» Фарғона филиали, МФО: 01123, СТИР:303823262, х/р: 22604000600596714001) тўлашлари лозим.
Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Фарғона шаҳри, Фаробий кўчаси, 11/17-уй. **Тел:** 90-307-11-88, 97-415-51-11.
Гувоҳнома:131

Муслимбек Йўлдошев:

Мени бошқаларга ўхшайманг!

Муслимбек Йўлдошев кўп қиррали ижодкор. Халқимиз уни телебошловчи, сўхандон, шоир сифатида яхши билади ва қадрлайди. «Дилкаш давралар» кўрсатуви орқали ўз мухлислари билан дийдорлашиб келаётган Муслимбек Йўлдошев билан сўхбатимиз кутилганидан-да қизиқарли кечди.

— «Дилкаш давралар»нинг шакли бошқа кўрсатувлардан кўчирилганми?

— Бу кўрсатув ғояси ўтган асрнинг 90-йилларидан кўнглимда туғилган ва қоғозга «Якшанбада бир соат» номи билан қайд этилган эди. 80-йиллар охирида, 1-дастурда (ҳозирги «Ўзбекистон» канали илгари шундай аталар эди) якшанба кунлари кечки соатларда эфирга узатиладиган бир кўрсатувга бошловчилик қилар эдим. Унинг ташкилотчиси ва муаллифи устозимиз Тўра Раҳимов эди. Шу кўрсатув ўзимга ҳам жуда ёқарди. Унда тарихчи олимлар, етук адабиётшунослар, шарқшунос мутахассислар иштирок этар эди. Хуллас, ўша кўрсатувдаги сўхбатлар ичига ўзим ҳам сингиб кетардим. Илгари билмаган ва қизиқмаган нарсаларимни билиб олاردим. Бу кўрсатувда кўшиқлар берилмас эди. Ушанда «Бир муаллифлик кўрсатуви тайёрласам, ичида мана шунча эркин сўхбатлар, мавзубоп кўшиқлар ҳам бўлса, жуда зўр чиқса керак», деб ният қилиб юрардим. Ўша орзуларим амалга ошди. Аввал «Ассалом, Ўзбекистон» тоғти

ахборот, мусиқий дастур дунё юзини кўрди. «Дилкаш давралар»нинг шакли ҳам ўшанинг ўзи. Аммо унда мавзулар кенгроқ, тўлиқроқ ёритилди.

— «Дилкаш давралар» шерингиз Дилфуза Юсупова билан янада дилга ёқпти...

— Дилфузахон билан ўттиз йиллардан бери бирга ишлаймиз. Жуда кўп тадбирларда, кўрсатувларда ҳамкорликда ишлаганимиз. «Дилкаш давралар» эфирга тайёрланаётган пайтда биринчи бўлиб уни таклиф қилганман. Лекин у ўшанда унамаган. Мана ҳозир бирга ишляпмиз. Мухлислар «Муслимбек, Дилфузахонни ёнингизга олиб, жуда яхши иш қилдингиз», дейишади. Ахир, асл баҳо — томошабин баҳоси-ку! Ундан кўнглим тўқ. Ҳозир бошловчи дегани кўп. Аммо Дилфузахонга ўхшагани кам, жуда кам.

— Бугунги телебошловчилар ҳақида фикрингизни ҳам билсак дегандик. Уларга қандай баҳо берган бўлардингиз?

— Бугунги теле ва радиобошловчиларнинг аксарияти қай аҳволдалигини ҳамма кўриб, билиб турибди. Президентимизнинг «Дикторлар мактабини тиклашимиз керак», деб айтганлари ҳам бежиз эмас.

Мен бир нарсага ҳайронман. Нима учун юзлаб бошловчилар орасида халқ яхши кўрадиган сеvimлилари кам? Мен буларнинг сабабларини биламан. Аммо бу — бир ўзим ҳал қиладиган масала эмас. Бу — жиддий муаммо. Мен яна бир нарсдан хавотирдаман. Менинг ҳамкасбларим бошқа бошловчиларга аралашиб, юзларидаги сеvimли нурларини йўқотиб қўйишмас бўлди.

— Сиз учун муаллифлик қиладиган борми, ким кўрсатув тайёрлаб беради?

— Илтимос, мени бошқаларга ўхшатманг! Балки кимлардир баъзи бошловчиларга кўрсатувлар ёзиб беришар, аммо мен ўз кўрсатувларимни ўзим тайёрлайман. Ва бу ижодий ёндашувни кеча бошлаганим йўқ. Кўпчилик мени ўша «эски» замонларда ҳам муаллифлик кўрсатувлар тайёрлаганими билади. Нокамтарликка йўйманг, гоҳида режиссёрлик ҳам ўзимга қолиб кетарди.

— Мавзуларни қандай танлайсиз?



— Томошабинлар «Фалончи ҳақида кўрсатув қилсангиз бўларкан, пистончини ҳеч ким эсламаяпти», деган мазмунда таклифлар айтишади. Ҳа хўп, дейман-у, фақат ўзим билган, таниган одамлар ҳақида кўрсатув тайёрлайман. Номини таниш-у, ўзи нотаниш одамлар тўғрисида кўрсатув қилсам, саёз, зўрма-зўраки чиқиб қолади.

— У ҳолда сиз танимаган одамлар назарингиздан четда қолиб, улар ҳақида кўрсатувлар қилинмай-дими?

— Нега? Ўзбекистонда йигирмага яқин телеканал бор, ўшалар ҳам тайёрлашади, тайёрласин. Уларнинг ҳар бири ҳафтасига 168 соатлаб кўрсатув беради. Мен эса бир ойда 140 дақиқа вақт оламан. Бир одамни — ёзувчи, шоир, актёр, хонанда, раққоса ёки расомнинг ўзини ёки асарини яхши кўрмай туриб, мавзуга қўл уриб бўлмайд.

— Кўрсатувингизнинг бугунги даражасидан кўнглингиз тўладими?

— Албатта, йўқ. Галдан галга кўрсатув мавзуси, иштирокчилари, уни эфирга узатиш услублари, техник имкониятлардан фойдаланиш ҳақида изланамиз. Аммо ҳамма нарса ҳам биргина муаллиф, телеканал ёки телекомпанияга боғлиқ эмас. Режа қилган ҳамма ишларим юз фоиз амалга ошиб эфирга чиқса, осмонда учиб юрган бўлардим. Баъзида айрим режаларим лойиҳалигича қолиб кетади. Қанийди, ҳар бир кўрсатув бошда сценарийси қандай ёзилган бўлса, эфирга ҳам шундай тайёрлаб узатилса...

Биз имкон қадар шундай бўлишига интиляпмиз. Менимча, энг муҳими шу!



Алижон АБДУРАХМОНОВ сўхбатлашди

Во ажаб!

Тадқиқотчи Шўҳратқодир Ғуломов кимё йўналишида фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилган. Тадқиқот ишида олим маҳаллий шароитда табиий газни зарарли моддалардан тозалашда қўлланиладиган янги катализатор технологиясини яратган. Тан олиш керакки, ундай вазифани бажарувчи катализатор хориждан келтирилади. Олимнинг янгилиги «Махат-Chirchiq» АЖда амалда синовдан ўтказилиб, ихтирога Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлиги патент берган.

Амалиётсиз ихтиродан кимга наф?

ёхуд иқтисодиётимизга тахминан йилга 2 миллиард сўм фойда келтирадиган технологиянинг ишлаб чиқаришга жорий этилмайгани хусусида

Олий аттестация комиссиясининг кимё йўналишидаги тадқиқот ишларига масъул шахс — ЎЗМУ профессори Сувонкул Нурмановнинг айтишича, яратилган катализатор метаннинг тозалаш самарадорлигини 10-15 мартагача ошириб, унга кетадиган вақт сарфини сезиларли қисқартиради. Масалан, шу пайтгача 1 суткада 10 минг м³ газ тозаланган бўлса, бу катализатордан фойдаланилганда, шу вақт ичида 100 минг м³ ҳажмга тенг газ фальтради. Мазкур катализатор тўлиқ маҳаллий хомашё асосида тайёрланган бўлиб, санаотга жорий этилган, иқтисодиётимизга тахминан йилга 2 миллиард сўм фойда келтиради.



Ихтиро ҳақида эшитганимиз ҳамон, унинг амалиётга жорий этилиши билан қизиқдик. Маълум бўлишича, илмий иш натижаларини амалиётга жорий этишга тавсия қилинган хат «Ўзкимёсаноат» АЖга юборилган. «Ўзкимёсаноат» ўз жавоб хатида мазкур катализатор «Махат-Chirchiq» АЖ Аммиак-2 цехи ҳудудида монтаж қилиниб юклагани ҳақида маълум қилган. «Юклаган»лик ҳақидаги маълумотнинг мазмуну, катализаторнинг синов ишлари «Махат-Chirchiq» АЖда амалга оширилипти, деганиди. Чунки иш амалиётга кўчиши учун қайта-қайта синовлардан ўтказилиши лозим. Агар катализатор амалиётга жорий этиш мақсадида заводда қайта тажриба-синов қилинаётган бўлса, кунлик маълум-

дан бу таъкидларга изоҳ сўраганимизда, у «Мен технологияни яратдим-ку, амалиётга жорий этиш ишлари билан масъул мутахассислар шуғулланишмайди?» дея ажабланди. Маълум бўлишича, ёш олим ҳозирда яна янги лойиҳалар устида ишлаётган экан.

Мана сизга натижа, мана сизга муносабат!.. Ваҳоланки, санаотга зарур бўлган ихтиро яратилган. Унга эҳтиёж ҳам юқори. Аммо нима учун янгиликдан манфаатдор бўлган ташкилотларда уни жорий этишга интилиш сезилмаяпти? Ойлар ва йиллар сарфланган ихтиронинг кейинги тақдирини, аслида, ким масъул бўлиши керак? Илмий янгиликлар тақдирини бу тарзда сўроқ остида қолаверса, мамлакатимизда ишлаб чиқариш қачон биз орзу қилган даражада маҳаллийлашади, қачон ривожланади?

Шўҳратқодир Ғуломов



Зебо НАМОЗОВА, «Ishonch»

Ароқ сотаётган болакай...

Бозор-ўчар қилиб юриб, йўл-йўлакай спиртли ичимликлар дўконига ҳам кирдим. Сотувчи аёл киши экан. Очиғи, бу ҳолат менга бироз ғалати туюлди. Аёл киши қиладиган иш эмас-да, ҳар ҳолда...

Бу ҳам майли. Аёл бу ишга 11-12 ёшли боласини ҳам жалб қилган. Фарзандининг устидаги кийим-бошидан у мактабдан келгани ёки бориши билиниб турибди. Аёл харидор буюртмасини ёзиб боряпти, ўғли эса онаси айтган спиртли ичимликларни адашмасдан бир зумда растага тахляяпти. Унча-мунча катталар номини эшитмаган зормандани бир зумда топиб беришига қараганда, у кўп вақтини шу жойда ўтказиши сезилиб турибди.

Боланинг айнан ўқиб-ўрганадиган, ўртоқлари билан ўйнаб-қуладиган пайтда бундай дўконда «хизмат» кўрсатиши тўғримики?


Шуларни хаёлдан ўтказиб, аёлга эътирозларимни билдирдим. У эса турмуш ўртоғи гарчи тўрт мучаси соғ бўлса-да, рўзгорга қарамаслиги, ҳеч қаерда ишламаслигини айтди. Иложсизликдан шу жойда ишлаб, рўзгор тебратётган боласининг унга қарашиб, ёрдамлашиб туришида ҳеч қандай салбий ҳолат кўрмаётган экан. Аксинча, ҳозирдан пул топишга ўрганса, келажақда отасига ўхшаб боқиманда бўлмас эмиш.

Қизик, соппа-соғ бўла туриб, аёлини, фарзандини



шундай жойга раво кўрган эркакни оила боши, ота, деб бўлармикан? У оталикка муносибми? Фарзандини боқиб учун спиртли ичимликлар сотиш билан шуғулланадиган аёлни ҳам оқлаб бўладими? Назаримда, бундай ота-оналар ўз илджига болта ураётганини вақтида англаб етмаса, кейин кеч бўлади.

...Тунов кунни яна бозор ораладим. Эсимга ўша воқеа тушиб, дўконга мўраладим. Минг афсуски, ҳаммаси ўша ўша. Фақат энди аёлнинг ёрдамчиси яна биттага кўпайибди. Таассуфки, у ҳам болакай...



Ғуломжон МИРАХМЕДОВ, «Ishonch»

Тадбир

Касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси «Яккасарой спорт макмуаси»да спорт-соғломлаштириш тадбирини ўтказди.

Биргаликда соғломмиз



Унда тизимда фаолият юритаётган ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари югуриш, стол тенниси, бадминтон, шахмат, шашка, дартс каби спорт турлари бўйича беллашди. Тадбирда Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг кўргазмалари чиқишлари ташкил этилди. Мусобақалар якунида совриндорлар ва уларнинг фарзандларига эсдалик совғалари топширилди.

Мўқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»

Ички туризм

Бир олам таассурот билан

«Касаба Самарқанд» корхонаси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятидаги туман ва шаҳарларда, олис қишлоқларда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 675 нафар хотин-қизлар учун саёҳат ташкил этилди. Иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги диққатга сазовор жойларда бўлишди.



Шарқия БАКАЕВА, Самарқанд вилояти Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қошидаги хотин-қизлар комиссияси раиси

Хоразмга саёҳат

Сирдарёлик 50 та кам таъминланган оила аёллари ҳамда фаол хотин-қизлар учун Хоразм вилоятига байрам саёҳати уюштирилди. Саёҳат давомида меҳмонларга Хива шаҳрида энг юқори даражада хизмат кўрсатилди. Меҳмонхона, хоразмликларнинг ўзига хос соҳнаси уларга жуда ёқди. Қадимий обидалар опа-сингилла-

римизда бир олам таассурот қолдирди. Эрта тонгда Хоразм саёҳатидан қайтган аёллар Гулистон шаҳар вокзалида кутиб олинди. Аёлларнинг юзларида табассум, чеҳраларидан ҳаётдан рози экани билиниб турарди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (Таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурут СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛИМУРДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари «Ishonch-Доверие» бўлиши), Мехриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб - «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари хайъти — (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайт орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж. Наханов
Мухасҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмухаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Ўза якуни — **00:45**
Топширилди — **01:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 317**.
30279 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририй ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЗД: 58130